

2022 йил 14 сентябр

Наманган туман

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Наманган туман Оқер МФЙ номидан МҲ раиси Хайдаров Шокир Умаралиевич ва кийинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “MUXAMMAD LIGHT” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона раҳбари Раҳматов Абдураим иккинчи томондан ва кейинги ўринларда “Инвестор” (маблағ билан таъминловчи) деб юритиладиган Наманган туман ҳокимлиги номидан Низом асосида иш юритувчи С.Мўминов учинчи томондан Наманган туман Оқер МФЙ биносини мукамал тамирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини тузиш имзоладилар.

### I. Атамалар

Мазкур шартномада қуйдаги атамалар қўлланилади: Ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларини бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларига мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркумига киритилган сертификатлар техник паспортлар ва орнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материяллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар билан беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар айрим масъулятли конструкциялар билан оралиқ даврида қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яққол тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар

- ✓ Таъмирланадиган майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади.
- ✓ Вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан Тамирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- ✓ Яширин (беркитиладиган) ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитилган ишлар;
- ✓ Шартнома нархини билиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ишлар;
- ✓ Инвестор – маблағ билан таъминловчи.

### II. Шартнома мазмуни.

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган, яъни шартнома бўйича Наманган туман Оқер МФЙ биносини мукамал таъмирлашга доир мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитлари яратиш ва уларни қабул қилиш, «Инвестор» эса белгиланган тартибда маблағ билан таъминлашни амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан, Наманган туман Оқер МФЙ биносини мукамал тамирлашга доир ишларни барча солиқлар билан жорий нархларда 416185029 (Тўрт юз ўн олти миллион бир юз саксон беш минг йигирма тўққиз) сўмни ташкил этади.
3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар эса бундан мустасно:
  - ✓ таъмирлаш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
  - ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонида ўзгартирилганда;
  - ✓ объектнинг қурилиши турли сабаблар билан узайтириб юборилганда.
4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув (битим) билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
  - ✓ Лойиҳа-смета харажатлари “Пудратчи” томонидан тўланади. “Пудратчи” лойиҳа-смета харажатларини бажарилган ишлар учун тузилган Ф-2 далолатномаларга киритади;
  - ✓ Таъмирланадиган ҳудудга зарур қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар, асбоб ускуналар, бутловчи қисмлар ва буюмлар, қурилиш техникаси (машина механизмлар)ни етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;
  - ✓ таъмирлаш майдони ҳудудида вақтинчилик иншоотлар қуриш;

✓ пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачини хабардор қилиш;

✓ таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқа дарактларни ва ер участкаларини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлашнингдек ёритиш чироқларни ўрнатиш;

✓ мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонидаги ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб ускуналар, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвектарлар, қурилиш материалари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

✓ мазкур шартнома бўйича сув тармоқларини бажарилган ишларни қабул қилиб олиш тўғрисида далолатнома имзоланган кундан бошлаб объектда таъмирлаш даврида фойдаланилган коммунал хизматлар (электр энергия, табиий газ, ичимлик ва оқава сувлари) тўловлари амалга ошириб бориш;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ҳамда ёлланган субпудратчилар билан биргаликда зарур тарзда бажарилиши ва таъмирланган бинони фойдаланишга тайёр ҳолда топшириши учун Буюртмачи ва Инвестор олдида тўлиқ ҳамда мулкый жавоб беради.

#### V. Буюртмачининг мажбуриятлари.

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

✓ мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда пудрат ишларни бажариш учун таъмирлаш ишлари тугаллангунгача бўлган даврда шарт-шароит яратиб беради;

✓ Таъмирлаш ишларини тўлиқ назорат қилиб боради ва ишлар якунлангандан сўнг амалдаги тартибларга асосан объектни қабул қилиб олади. Пудратчига Инвестор орқали шартноманинг шартларига мувофиқ бажариладиган ишларни 30% миқдорида бўнак (аванс) беришни амалга ошириш;

✓ Таъмирлаш ишларини тўлиқ назорат қилиб боради ва ишлар якунлангандан сўнг амалдаги тартибларга асосан объектни қабул қилиб олади.

#### VI. Инвестор-маблағ билан таъминловчининг мажбуриятлари.

8. «Пудратчи» томонидан барча ишларини мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган куч (субпудратчи)лар билан бажариб, Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширган ишлари бўйича «Буюртмачи»нинг талабига асосан тўловларни амалга ошириш;

9. Мазкур шартномада назарда тутилган маблағ билан таъминлаш мажбуриятларини тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

10. Буюртмачининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ва унинг умумий харажатлари учун бажарилган ишлар қиймати миқдорида тўловни амалга ошириш;

11. Мазкур шартномада назарда тутилган ўзига тегишли мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### VII. Ишларни бажариш муддатлари.

12. Ишлар шартнома юридик кучга эга бўлиб, олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин 20 календар куни давомида тўлиқ бажариб бўлиниши лозим.

#### VIII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар.

13. Инвестор Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг Буюртмачининг талабига асосан 70 фоизини бажарилган ишлар тўғрисида ҳужжат такдим этилгандан сўнг 90 кун ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммасига олади.

14. Объект Буюртмачига тоширилгунга қадар объектнинг тасодифан йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

#### IX. Ишларини бажариш.

15. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларни тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан конструкцияларни оралиқ қабул қилиш дололатномалари яширин ишлар текшируви дололатномалари (Акт скрытых работ) билан тасдиқланади.

16. Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида ёзма равишдаги рухсатномасидан сўнг Пудратчи кейинги ишларни бажаришга киришади.

17. Агар яширин ишлар буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки Буюртмачи бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, Пудратчи Буюртмачининг талабига кўра яшириш ишларни исталган қисмини ўз ҳисобдан очишга, сўнгра эса уни қайта тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларида» майда четга чиқишларни Буюртмачини розилиғисиз амалга оширса ҳамда бу четга чиқишлар қурилиш сифатига таъсир этмаганлиги исботласа жабовгар ҳисобланмайди.

18. Агар Буюртмачи Пудратчи ёки унинг субподратчилари томонидан ишларни сифатсиз бажарилганлиги аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучи билан ва қурилиш қийматини оширмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини қайта тиклаш учун қилишилган муддатларда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома

19. 18 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

20. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йул участкаси ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврда майдондан қурилиш ахлатларини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

21. Ишлар бошанган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари яритлади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холлар ва халатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиш мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларининг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарида Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни ўн кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини кўриб, ёзма ахборот бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.**

22. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавабгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

23. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

24. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш.**

25. Оқер МФЙ биносини қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек мукамал таъмирлаш объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида амалга оширилади.

26. Объектлар уларнинг фойдаланишга топширишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

27. Пудратчи қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ, Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда уч нусхада ижро ҳужжатларини тақдим этади. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши зарур.

#### **XII. Кафолатлар.**

28. Пудратчи:

- ✓ Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- ✓ Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ✓ ишларни қабул қилиш ва объектни фойдаланиш кафолатли муддатида аниқланган камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида ва сифатли бартараф қилишни;
- ✓ объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

29. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига ўзайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

30. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тўзишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Давархитектқурилиш назорат органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XIV. Шартномани бекор қилиш.**

31. Буюртмачи:

- ✓ шартнома кучга киргандан кейин ишлар бошланиши Буюртмачи ва Инвесторга боғлиқ бўлмаган

сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

✓ ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига этилмаганда;

✓ Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

✓ Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

32. Пудратчи:

✓ Инвестор томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

✓ Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилиниши талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда, Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра қурилиш тугалланган объект бир ой муддатда Буюртмачига топширилади.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

36. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.**

37. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тартибда ҳам жавобгар бўлади.

38. Мазкур шартноманинг мажбуриятларга риоя қилмаганлиги, учун Инвестор Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Инвесторни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

39. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий сўммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пудратчи ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилмаганлиги учун ундирилган неустойка Инвесторга тегишли бўлади.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни ёки хизматларни бажарилишини кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

40. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, Буюртмачи объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

41. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

42. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### **XVI. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан қўриб чиқилади.

#### **XVII. Алоҳида шартлар.**

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган, томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз қучини йукотади.

45. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз субпудратчилардан ташқари бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

46. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий ҳисобланади.

47. Буюртмачи, Инвестор билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчилар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқланиши лозим.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади ҳамда шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2850-сон билан рўйхатдан ўтган "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари" га асосан) амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача белгиланади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

БУЮРТМАЧИ

ПУДРАТЧИ

Окер МФЙ

Манзил: Наманган туман  
Гулдров қишлоғи

"МУХАММАД ЛАЙТ" МЧЖ

Манзил: Адрес: Чортоқ туман

х/р 20212000303984496001

СТИР 202770563 МФО 00720

Мустақиллик мфй СТИР 306 260 740  
Х.Р 20208000505043312001

Банк: Халк банк Тошбулок

Телефон: 99-003-19-71

БАНК Наманган Хамкор банк  
Наманган МФО 00992

Раҳбар: Хайдаров Шокир Умаралиевич

(Имзо)

М.Ў.

Раҳбар Раҳматов Абдурашит

М.Ў.

(Имзо)

ИНВЕТОР

(Маблағ билан таъминловчи)

Наманган туман ҳокимлиги

Манзил: Наманган вилояти Наманган туман

Мустақиллик 5 йиллиги кўчаси 1-уй

ШХВ 301821860142127011402018003

МФО 00014 Тошкент Марказий банк ХККМ

ИНН 200081630 ОКОНХ 97160

Наманган туман Ғазначилик бўлинмаси

Х.р 23402000300100001010

Тошкент ш ХККМ МФО 00014

Раҳбар: С.Мўминов

М.Ў.

(Имзо)

Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Наманган туман ҳокимлиги Бош юрисконсулт

Д.Орманов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

### GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"MUXAMMAD LIGHT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'loq nomi)

**"MUXAMMAD LIGHT" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.03.2019

702400

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306260740

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, Koroskon, Mustaqillik MFY, Nurlu  
ko'chasi 39 uy.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 145902 на приобретение Ок Ер мфй биносини мукаммал тамирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 12.09.2022

Время рассмотрения 10.09.2022 15:24

Конкурсная комиссия Наманган туман хокимлиги Обод кишлок жамгармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	AKBAROV JAMSHID YODGOROVICH	Комиссия раиси	Комиссия
<b>Секретарь комиссии</b>	MAMATOV ABDULBORI ABDULBOQI O'G'LI	комиссия котиби	Комиссия
<b>Член комиссии</b>	TURSUNPO'LATOV AXRORBЕК TURG'UNPO'LAT O'G'LI	Комиссия азоси	Комиссия
<b>Член комиссии</b>	XOSHIMOVA DILBAR NASIMOVNA	комиссия аъзоси	Комиссия
<b>Член комиссии</b>	RAXIMOV AYUBXON ABDULLAYEVICH	Булими бошлиги	Комиссия
<b>Член комиссии</b>	XAYDAROV SHOKIR UMARALIYEVICH	Ок ер МФй раиси	РАИС

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.09.2022 года № лота 145902.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по капитальному ремонту нежилого здания</b>
Подробное описание	Обод кишлок дастури буйича Ок ер мфй биносини мукаммал тамирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	416 185 029.00
Стартовая сумма	416 185 029.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Моддий техника ва махсус техникалари

Тип: Текстовое значение

Описание: руйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO MUXAMMAD LIGHT</b>	15	416185029	14	Экспертная		
<b>ABRORBЕК BUILDING FARM MCHJ</b>	15	юкланди	14	Экспертная		

Критерий №2 Курилиш материаллари захираси

Тип: Текстовое значение

Описание: руйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO MUXAMMAD LIGHT</b>	15	416185029	14	Экспертная		
<b>ABRORBЕК BUILDING FARM MCHJ</b>	15	юкланди	14	Экспертная		

Критерий №3 Иш бажариш муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO MUXAMMAD LIGHT</b>	15	416185029	15	Экспертная		
<b>ABRORBЕК BUILDING FARM MCHJ</b>	15	юкланди	13	Экспертная		

Критерий №4 Бажарилган ишга кафолат бериш

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO MUXAMMAD LIGHT</b>	15	416185029	15	Экспертная		
<b>ABRORBЕК BUILDING FARM MCHJ</b>	15	юкланди	14	Экспертная		

Критерий №5 Ишловчи мутахссислар

Тип: Текстовое значение

Описание: Руйхати

Обязательность: Критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MUXAMMAD LIGHT	15	416185029	15	Экспертная		
ABRORBEK BUILDING FARM MCHJ	15	юкланди	13	Экспертная		

Критерий №6 Охирги уч йилда курилиш тамир ишларини бажарганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартнамалар ва баж ишлар хужжатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MUXAMMAD LIGHT	15	416185029	15	Экспертная		
ABRORBEK BUILDING FARM MCHJ	15	юкланди	14	Экспертная		

Критерий №7 Корхонанинг юридик хужжатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: руйхати ва нусхаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО MUXAMMAD LIGHT	10	416185029	10	Экспертная		
ABRORBEK BUILDING FARM MCHJ	10	юкланди	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО MUXAMMAD LIGHT	416 185 029.00	416 185 029.00 UZS	416 185 029.00	00.00	416 185 029.00	08.09.2022 16:00:56	20
ABRORBEK BUILDING FARM MCHJ	416 185 029.00	416 185 029.00 UZS	416 185 029.00	00.00	416 185 029.00	09.09.2022 11:13:27	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО MUXAMMAD LIGHT	78.4	20	98.4

ABRORBЕК BUILDING FARM MCHJ	72.8	20	92.8
--------------------------------	------	----	------

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 145902 от 12.09.2022 года на приобретение Ок Ер мфй биносини мукаммал тамирлаш определила победителем:

ООО MUXAMMAD LIGHT  
306260740

и резервный исполнитель: ABRORBЕК BUILDING FARM MCHJ (305993977)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	AKBAROV JAMSHID YODGOROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURSUNPO'LATOV AXRORBЕК TURG'UNPO'LAT O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XOSHIMOVA DILBAR NASIMOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RAXIMOV AYUBXON ABDULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAYDAROV SHOKIR UMARALIYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“14” сентябр 2022 йил

Наманган туман

Наманган тумани ҳокимлиги томонидан тумандаги Оқер МФЙ ҳудудида МФЙ биносини мукамал таъмирлаш ишлари учун 2022 йил 31 августдаги 145902 - сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Оқер МФЙ биносини капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684- сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “ООО MUXAMMAD LIGHT” томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Харид комиссияси раиси:



*[Handwritten signature]*

Ж.Ақбаров

Харид комиссияси котиби:

*[Handwritten signature]*

А.Маматов

**"ТАСЛИҚЛАЙМАН"**  
 Наманган вилояти ҳокими  
 Ш.Ш.Абдуразақов  
 " " " 2021 йил

Наманган вилоятида Дастурлар доирада 2022 йилда ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бозор инфратузилмаси объектлари барно этиши ва таъмирлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг  
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

№	Хушудлар номи	ўзини-ўзи бошқариш органлари объектлари				бозор инфратузилмаси объектлари						шундан						
		МФЙ идоралари		махалла гузарлари		савдо мажмуалари		манший хизмат курсатиш шохобчалари		кичик турдаги ишлаб чиқариш объектлари		бошқа турдаги бозор инфратузилма объектлари		Умумий қиймати (млн.сўм)	"Фуқаролар ташаббуси" жамағатлари маблаглари	Шахар ва туманлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблаглари ҳисобидан	Ташаббускор тadbиркорлар ва аҳоли маблаглари	Тижорат бансларнинг кредит маблаглари
		Минслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Минслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Минслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Минслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Минслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Минслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)					
	Жами	22	6 383	1	300	18	1 760	16	1 130	7	3 730	12	1 190	9 541	5 233	9 260		
1	Наманган шаҳар	2	431			2	210	2	120	2	200	2	80	891	431	610		
	Гулбоғ МФЙ	1	281,0			1	110,0	1	60,0	1	100,0	1	40,0	591,0	281	310		
	Яққасала МФЙ	1	150,0			1	100,0	1	60,0	1	100,0	1	40,0	300,0	150	300		
2	Давлатобод тумани	1	300			2	240	2	180					720		720		
	Ижодкор МФЙ	1	300,0			1	120,0	1	80,0					500,0		500		
	Халқлар дўстлиги МФЙ					1	120,0	1	100,0					220,0		220		
3	Янги Наманган тумани	2	700												700			
	Янги замин МФЙ	1	350,0											350				
	Шербуюк МФЙ	1	350,0											350				
4	Мингбулак тумани	2	500			2	200	2	300			2	600	1 450	150	1 450		
	Қўғалиқул МФЙ	1	350,0			1	100,0	1	150,0			1	300,0	900,0		900		
	Бешсерка МФЙ	1	150,0			1	100,0	1	150,0			1	300,0	550,0	150	550		
5	Қосонсой тумани	1	350			2	200	2	155	2	700	2	175	1 230	350	1 230		
	Истиклол МФЙ					1	100,0	1	80,0	1	400,0	1	100,0	680,0		680		
	Обод МФЙ	1	350,0			1	100,0	1	75,0	1	300,0	1	75,0	550,0	350	550		
6	Наманган тумани	2	700			2	210	2	115	1	120	2	135	580	700	580		
	Ок ер МФЙ	1	350,0			1	110,0	1	40,0	1	120,0	1	55,0	325,0	350	325		
	Чағир МФЙ	1	350,0			1	100,0	1	75,0			1	80,0	255,0	350	255		
7	Норин тумани	2	100											100				
	Қатта окешлик МФЙ	1	50,0											50				
	Найманбод МФЙ	1	50,0											50				
8	Поп тумани	1	52											52				
	Иттифок МФЙ	1	52,0											52				
	Найман МФЙ																	
9	Тўрақўрғон тумани					2	200					1	2 500	2 700		2 700		
	Сохилобод МФЙ					1	100,0					1	2500,0	2600,0		2 600		

№	Худудлар номи	Ўзини-ўзи бошқариш органлари объектлари						бозор инфратузилмаси объектлари						шундан				
		МФЙ адоралари		махалла гузарлари		савдо мажмуалари		маншай хизмат кўрсатиш шохобчалари		кичик турарли ишлаб чиқариш объектлари		бошқа турдаги бозор инфратузилма объектлари		Умумий қиймати (млн.сўм)	"Фукаралар ташаббуси" жағамаласи маблағлари	Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан	Ташаббускор тadbиркорлар ва аҳоли маблағлари	Тижорат банкларининг кредит маблағлари
		Микслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Микслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Микслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Микслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Микслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)	Микслори (дона)	Қиймати (млн.сўм)					
	Жами	22	6 383	1	300	18	1 760	16	1 130	7	3 730	12	1 190	5 233	9 541	9 260		
	Обод МФЙ			1	100,0									100,0		100		
10	Уйчи тумани	2	1 000											1 000				
	Ўнқаёт МФЙ	1	500,0											500				
	Янгиер МФЙ	1	500,0											500				
11	Учқўрғон тумани	1	300											300				
	Дехқонobod МФЙ	1	300,0											300				
	Халфатғули МФЙ																	
12	Чортоқ тумани	2	850				170	2	80					350	850		850	
	Сарой МФЙ	1	350,0				80,0	1	50,0					350	180,0		180	
	Қорабоғ МФЙ	1	500,0				90,0	1	30,0					670,0	670,0		670	
13	Чуғет тумани	2	900				170	2	100	1	210			480	480		480	
	Қалаи-Поён МФЙ	1	450,0				85,0	1	50,0	1	210,0			345,0	345,0		345	
	Ариқбўйи МФЙ	1	450,0				85,0	1	50,0					450	450		450	
14	Янгиқўрғон тумани	2	200	1	300	2	160	2	80					200	640		640	
	Ганстон МФЙ	1	100,0				80,0	1	50,0					100	180,0		180	
	Тинчлик МФЙ	1	100,0	1	300	1	80,0	1	30,0					100	460,0		460	

Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартриш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қуришни, корпоративликлар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари

Вилоят ҳокимининг ўринбосари - виллоят маҳалла ва оилалар ишлари бўлими бошқармаси бошлиғи

Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш бошқармаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Вилоят молия бошқармаси бошлиғи

Қурилиш бошқармаси бошлиғи

Т.Юсулов

С.султанов

Ш.Мусаев

И.Абдуғаниев

З.Бахриддинов

Д.Ниязов

